Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

https://adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

№ 49 (1514) 2024-YIL 29-NOYABR, JUMA

Фракция йиғилиши



ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ, САЙИЛГОҲ ВА ХИЁБОНЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайтирилишига қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда дастлаб депутатларнинг ушбу масала юзасидан олиб борган ўрганишларига эътибор қаратилди. Маълум қилинганидек, сўнгги йилларда давлат мулки ҳисобланган умумий фойдаланишдаги боғлар, сайилгоҳ, хиёбон ва дарахтзорлар ҳудудида бино-иншоотларни қуриш амалиёти кенгайиб бораётгани кўп йиллик дарахтларнинг кесилишига, атроф-муҳит ифлосланишига, оқибатда аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётган эди.

Истироҳат боғлари ерларини маҳаллий ҳокимият захирасига олиш ва кейинчалик бегоналаштириш амалиёти кенгайиб бораётгани натижасида эса янгидан қайта-қайта кадастр ҳужжатини тузиш орқали боғлар ҳудуди қисқариб кетаётганди. Қолаверса, бугунги кунда маданий ҳордиқ масканлари ва улар ҳудудларининг ҳуқуқий ҳимояси етарли даражада мустаҳкамланмаган. Ҳордиқ масканлари ва улар жойлашган ерларни хусусийлаштириш, бундай объектлар ҳудудида бино-иншоот қурилишини тақиқловчи қатъий нормалар мавжуд эмас эди.

Шу нуқтаи назардан, “Адолат” СДП ва Экологик партиянинг қуйи палатадаги фракциялари аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида маданий ҳордиқ масканларини, уларнинг ерларини ҳамда ушбу ерлардаги бино-иншоотни бегоналаштиришни, маданий ҳордиқ масканлари ҳудудини қисқартириш, уларда бино-иншоот қуриш (енгил турдаги объектлар бундан мустасно) ёки мавжуд бино-иншоотнинг қурилиш ости майдонини кенгайтиришни тақиқлаш назарда тутилмоқда.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтириляпти.

Ташаббускор депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси маданий ҳордиқ масканлари ва бошқа яшил зоналарни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш баробарида маданий ҳордиқ масканлари ва уларнинг ҳудудларини сақлаб қолиш, экология ва атроф-муҳитни яхшиланишига ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари республикамизда фаолият олиб бораётган туманлараро перинатал марказларидаги ўринлар сони ҳамда штат бирликлари белгиланган талабларга мос эмаслигини таъкидлаб, ушбу масалаларни ҳал қилиш учун етарлича маблағ ажратиш таклифини билдирди.

Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти фаолиятини янада такомиллаштириш, бунда унинг моддий-техник базасини янгилаш заруратидан келиб чиқиб, Омбудсманга қўшимча маблағ ажратиш лозимлиги қайд этилди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфлаш бўйича ҳам бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Фракция аъзолари кун тартибидаги масалаларни қўллаб-қувватладилар.

ФАОЛИЯТ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда партиянинг янги таркибдаги фракцияси ва партия фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирда партия раҳбарияти, депутатлар, партия Марказий аппарати ва ҳудудий кенгашлар ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда асосий эътибор Давлат раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларидаги маърузаларида илгари сурилган таклифлар, ташаббуслар ва берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш масалаларига қаратилди. Маърузачилар Президентимизнинг тарихий нутқларида партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган қатор ғоялар қўллаб-қувватланганини таъкидладилар. Жумладан, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ва хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича партиянинг қатъий позицияси Давлат раҳбари томонидан эътироф этилгани қайд этилди.

Шу муносабат билан, партия мазкур масала бўйича биринчи қадамни қўйиб, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги ялпи мажлисда ва фракциялар йиғилишида қизғин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

3



КЎРИК-ТАНЛОВ БИЛИМДОНЛАРНИ САРАЛАМОҚДА

Ҳудудларда ғолиблар аниқланмоқда

Яна саноқли кунлардан кейин эркин ва обод Ватанимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини белгилаб берган Бош қомусимиз қабул қилинганлигига 32 йил тўлади. Анъанага мувофиқ, байрам арафасида “Адолат” СДП томонидан тараққиётнинг ҳуқуқий асосларини ўзида мужассамлаштирган ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида **“КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНИ”** *кўрик-танлови ўтказилмоқда.*




Партиянинг **“ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА”** *лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган танловда ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этади.*

Аҳамиятлиси, танловнинг жорий йилги мавсумида иштирокчилар янги таҳрирдаги Конституциямиз билан бир қаторда қонунчилигимиздаги ислоҳотлар бўйича ҳам билим ва иқтидорини намоён қилишди. Айни кунларда партиянинг ҳудудий кенгашлари томонидан жараённинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи уюшқоқликда ўтказилди.

3

Яшил макон

Андижонда “АДОЛАТ” БОҒИ”га асос солинди



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида келгуси йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилгани юртдошларимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари бугун айни шу чақириққа жавобан “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида кузги кўчат экишга киришдилар.

– Она табиат дарахтлар билан бойитилади, **– дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати, “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов.** *– Агар ҳар биримиз йилда бир тупдан кўчат эксак, олам яшилликка бурканади. Давлатимиз раҳбарининг таклифи замирида ҳам айни шу мақсад ётади. Бугун вилоятимизда ташкил этилган кўчат экиш ҳаракатига шу сабаб биринчилар қаторида қўшилдик. Биз эккан кўчатлар келгусида яратиладиган “Адолат” боғи”га асос бўлади.*

Партия фаоллари ва маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ҳам олиб бориляпти. Жамоатчилик орасида она табиатни асраб-авайлаш, ободонлаштириш ва тозалов ишларини ташкил этишга қаратилган суҳбатлар ўтказиляпти.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

“КИ, ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГДЕК...”



5

“ИСТАЛГАН МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИБ ТАШЛАЙМИЗ! ПУЛИНИ ТЎЛАСАНГИЗ БАС!..”



6

СЕНАТОРДАН КАТТА МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Албатта, ҳар бир қонун амалиётга татбиқ этилар экан, унинг ижросини назорат қилиш орқали устуворлигини таъминлаш Сенат зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.



Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси

Шу нуқтаи назардан, бугунги Сенат фақат қонун чиқарадиган орган эмас, балки давлат ҳамда жамият ўртасида кўприк сифатида намоён бўлиши, халқнинг орзу-умидларини қонунлар орқали ҳаётга татбиқ этиши керак. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 19 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг янги таркибдаги биринчи мажлиси сенаторларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида сифатни янги босқичга олиб чиқиш, парламент назоратини кучайтириш ва аҳоли манфаатлари йўлида тизимли ислоҳотларни амалга ошириши учун ўзгача даврни бошлаб беради, дея оламан.

Хусусан, бўлиб ўтган муҳокамаларда Сенат фаолиятига юксак эътибор қаратилди ва фаолиятидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилди. Жараёнда маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг таклиф ва фикрларини қонун ижодкорлиги жараёнига киритиш, ҳар бир ҳудуднинг эҳтиёжларини чуқур ўрганиш ва ечимини топиш каби масалалар ўрин олгани эътиборга лойиқ. Айтишим мумкинки, юқоридаги жиҳатлар Сенатнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ролини кучайтириш билан чекланиб қолмасдан, маҳаллий даражадаги муаммоларни ечишда янгича ёндашувларни жорий қилинишга ҳам хизмат қилади.

Сир эмас, ҳозирги кунда Сенатнинг қонун ижодкорлигидаги ташаббускорлиги ижтимоий ҳаётимизнинг асосий йўналишларига таъсир кўрсатмоқда. Шуни инобатга олиб, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, коррупцияга қарши курашиш ва жамиятда адолат тамойилларини қарор топтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар халқаро амалиёт талабларига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда. Бу эса Сенат қўмиталари ҳар бир соҳада чуқур таҳлилга асосланган ечимларни ишлаб чиқиши зарурлигини англатади. Масалан, коррупцияга қарши курашда парламент назоратининг салоҳиятини кенгайтириш, аҳолининг бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш учун қонуний асосларни мустаҳкамлаш керак, деб ўйлайман.

Сенатор сифатида менга аҳоли фикри, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган вазифалар жуда муҳим. Шунинг учун ҳам халқ ишончини оқлаш, фуқароларнинг муаммо ва таклифларини тинглаб, уларга ечим топиш бугунги кун сенаторининг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Аҳамиятлиси, мажлисда Президентимиз Сенат қўмиталарини “юқори палатанинг юраги” сифатида эътироф этди. Бу эътироф, бир томондан, фахр туйғусини уйғотса, иккинчи томондан, барчамиздан янада катта масъулият ва ташаббускорликни талаб қилади. Шунингдек, маҳаллий кенгашларнинг фикрини ҳар бир қонун бўйича инобатга олиш, уларнинг манфаатлари ҳукумат мақсадлари билан уйғунлашувини таъминлаш ташаббусига алоҳида тўхталишим жоиз. Йиғилишда белгиланган яна бир муҳим йўналиш – қонунчилик жараёнида шаффофлик ва очиқликни таъминлашдир.

Биламизки, ҳар бир қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини чуқур таҳлил қилиш орқали холис қарорлар қабул қилиш мумкин. Бу ҳар бир сенаторнинг фаолиятини такомиллаштириш, қўмиталарнинг иш самарадорлигини янада оширишга кўмаклашади. Айниқса, ёш авлод онгига қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини сингдириш, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги вазифалар барчамизга жиддий масъулият юклайди.

Мухтасар айтганда, бугун юқори палата аъзолари юрт тараққиётида ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаш, қонун ижодкорлиги ва жамият фаровонлигини оширишда ҳақиқий етакчи куч бўлишга жиддий киришди. Демак, барчамиз ҳар бир вазифани сидқидилдан бажариш орқали халқимиз ишончини оқлаймиз, дея ишонаман.

Мажлисда янги парламент аъзоларига ва барча ҳудудий кенгашлар депутатларига давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган вазифалар асносида қонунлар яратиш учун нималарга эътибор қаратиш кераклигини ўргандик.

Муҳокамаларда Президентимиз бу борада бугун мамлакатимиз олдида турган энг муҳим масалаларни ҳал қилишга алоҳида аҳамият қаратиб, парламент вакиллари “Мен сенаторман” ёки “Мен депутатман” каби кўринишида яккаланишини эмас, балки умумий бир мақсадга, яъни, халқ манфаатига хизмат қиладиган бирлашган куч бўлишга интилиши зарурлигини таъкидлади.



Абдусаид КЎЧИМОВ,
сенатор,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси

ХАЛҚ МАНФААТИ УЧУН ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ ЮРИТСАК, натижа янада самаралироқ бўлади

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлашда Сенат ва қуйи палата, шунингдек, маҳаллий кенгашлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг янги парламенти эндиликда фақат аниқ бир қонунни қабул қилиш билан чекланмасдан, балки унинг ижтимоий ҳаёт, хусусан, аҳолига таъсирини чуқур ўрганиш ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлашни биринчи ўринга қўяди. Бу эса, ўз навбатида, қонунчилигимиздаги ислоҳотларнинг амалиётда кузатилган натижасини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Умуман олганда, ҳар бир қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, фуқароларнинг фикрларини инобатга олиш, уларнинг муаммоларини аниқлаб, манзилли ва самарали ечимлар ишлаб чиқиш учун Сенат ва маҳаллий кенгашлар билан тизимли ишлашни янада такомиллаштиришимиз керак. Бу мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида натижа беришини таъминлайди. Айта оламанки, мазкур ҳамкорлик ўзаро фикр алмашиш ва тажриба бўлишиш жараёнлари парламент фаолияти асосини мустаҳкамлайди.

Шунинг учун ҳам давлат раҳбари 100 та эмас, 5 та халқчил, халқимиз фаровонлигига амалиётда хизмат қиладиган қонунлар қабул қилишимиз кераклигига тўхталди. Шубҳасиз, бу жараёнда қўмиталарнинг институционал салоҳиятини ошириш ва уларнинг ишини янада такомиллаштириш муҳим. Яъни, маҳаллий даражадаги муаммоларга ечим топишда кенгашлар фаолиятига кўмаклашиш, уларнинг қарорлари қонунчиликка мос бўлиши учун зарур чоралар кўриш – бугунги кунда барча даражадаги раҳбарлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Президентимиз томонидан қўмита эшитувларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастурларни тўлиқ рўёбга чиқариш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Агар сенаторлар ва депутатлар ўртасида жамоавий ишлашни самарали ташкил этишга эътибор қаратилса, улар нафақат миллий, балки халқаро майдонда ҳам ўз ўрнини топади. Натижада мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш, халқ манфаатларига мувофиқ қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлашга эришамиз. Бугун биз худди шундай имкониятга эгамиз. Буни айни пайтда амалга оширмасак, жуда кеч қоламиз. Синовнинг биринчи қадамини қўйдик. Ҳаммамиз юртимизнинг янги парламентида барқарор тараққиёт учун янги поғоналарни юксалтириш даврини бошлаяпмиз. Қиладиган ишимиз эса анча кўп.

Муҳим вазифалар белгилаб берилди

Давлатимиз раҳбарининг маърузаларида жамиятимизнинг барча жабҳалари қамраб олинган. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида 2025 йилнинг 1 январидан бошлаб тиббий суғуртага ўтилаётгани айни муддао бўлди. Бу масалани партиямиз ўз Сайловолди дастурида илгари сурган эди. Бундан ташқари, партиямиз дастуридаги аҳолини иш билан таъминлаш, ҳар бир ватандошимизни уй-жойга эга бўлиш орзусини рўёбга чиқариш ҳақидаги таклифлар ҳам Президентимиз томонидан эътироф этилгани бизни қувонтирди.

Айниқса, партиямиз Сайловолди дастурида устувор вазифа сифатида белгиланган “Реновация тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифи Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлангани ҳам бизнинг фаолиятимизга ҳамоҳангдир.

Шунингдек, партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича позицияси, дорилар устидан назоратни кучайтириш, нархлар сунъий ошишининг олдини олиш, рецептсиз дорилар рўйхатини қисқартириш бўйича таклифлар Президентимиз томонидан маъқулланди. Энди халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилади. Президент бу сиёсий ислоҳот орқали Ўзбекистон халқининг 30 йиллик орзуси рўёбга чиққанини айтди.

Ҳоким ҳам, кенгаш раиси ҳам, аввало, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли манфаатларини етакчи ўринга қўйиб, бир жамоа бўлиб ишлаши лозимлиги қайд этилди.

Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссиясини ташкил этишни таклиф қилди. Энг катта камчилик – вазирликлар қуйи бўғинда, айниқса, туман ва шаҳар даражасида самарали иш ташкил эта олмаяпти. Энди аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш улар учун бош вазифа бўлиши керак. Президентимиз депутатларни ваколатлари доирасида ўз округларидаги туман ва шаҳар даражасида сўров ва талабни ҳеч тортинмасдан кучайтиришга чақирди. Бу айни вақтда партиямизнинг энг муҳим лойиҳаларидан бири бўлган “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳасини янада такомиллаштиришни талаб этади.



Руиддин РАУПОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, вилоят партия кенгаши раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг ваколатини кенгайтириш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.



Баҳодир НАЗАРОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати

Ваколатлар кенгаймоқда, масъулият ошмоқда

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Янги сайланган маҳаллий Кенгашлар таркиби ва мақомига кўра олдинги ҳолатдан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди. Айниқса, кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етгани, 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 3,5 баробар ошгани Сенат фаолиятини эндиликда янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилади. Шунингдек, бу йил ҳокимларнинг 33 та ваколати кенгашларга олиб берилди, яна 17 та ваколатни ўтказиш режа қилинган. Мисол учун, ичимлик сув тарифига устама, давлат объектлари ва бозорларда ижара тўловлари каби жами 7 турдаги маҳаллий йиғимлар миқдорини тасдиқлаш ваколати ҳам маҳаллий кенгашларга ўтказилиши кўзда тутилган. Албатта, бу шахсан менга ва бошқа депутатларга ҳам катта масъулият юклайди. Депутат ҳамма вақт халқнинг бугуни ва эртасини ўйлаши, фидойилар сафининг олдинги қаторида туриши, халққа берган ваъдаларини сидқидилдан бажариши лозим.

Шунингдек, кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. Маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳар ярим йилда қилинган ишлар бўйича матбуот анжуманлари ўтказиш амалиёти йўлга қўйилса, бу уларнинг фаолиятида ошкоралик ва ҳисобдорликни кучайтириши кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз нутқини тинглар эканман, маҳаллий Кенгашларга яратилаётган имкониятлардан биз, депутатлар оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалалар ечими бўйича асосли ташаббусларни илгари суриш, шунингдек, ўз фаолиятимиз давомида очиқлик ва ҳисобдорлик, ҳалол, тўғрисўз, фаоллик ҳамда ҳозиржавоблик тамойилларига таянган ҳолда иш олиб боришимиз зарур эканлигини англадим.

Ёшлар сиёсатида яна бир қадам

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисидаги нутқини алоҳида эътибор ва диққат билан тингладим. Мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётига қаратилган фикрлар жуда ўринли. Давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган ҳар бир масала халқ вакили сифатида менинг зиммамга ҳам катта масъулият юклади.



Қосимжон ҚАЮМОВ,
халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати

Ёшлар сиёсати ҳамма вақт долзарб аҳамиятга эга. Бу борада сезиларли, керак бўлса, ўрганишга арзирли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятлар сафарбар этилишини ҳар биримиз қўллаб-қувватлашимиз, ўз имкониятларимиз даражасида ҳисса қўшишимиз лозим.

Сайлов арафасида сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар ва ҳудудларни ўрганиш жараёнида айрим оилаларда фарзандлар келажагига эътиборсизлик билан қаралаётганига гувоҳ бўлдим. Хорижга ишлаш учун кетган айрим ота-оналарнинг фарзандлари таълим ва тарбияси муаммога айланаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айни шу муаммоларнинг ечимини топиш вақти келди.

Биз халқ вакиллари, биринчи навбатда, бу борада жамоатчилик орасида тарғибот ишларини янада кучайтирамиз. Ёшлар билан ишловчи ташкилотлар фаолиятини жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш орқали уларнинг фаоллигини оширишга эришамиз. Оилаларга кириб бориб, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиб борамиз.

Депутатнинг асосий иш жойи – маҳалла ва оила. Ёшлар тарбиясида айни шу институтлар билан ҳамкорликда ишлаш мақсадга мувофиқ деб биламан. Токи, ҳеч бир йигит-қиз эътиборимиздан четда қолмасин.

КЎРИК-ТАНЛОВ билимдонларни сараламоқда

Ҳудудларда ғолиблар аниқланмоқда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги Ж.Изентаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси касб-ҳунар мактабида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда 10 нафар йигит-қиз “Таништирув”, “Савол-жавоб” ва “Эркин мавзу” каби шартлар бўйича беллашиб, мамлакатимиз Конституцияси ҳамда қонунларидан хабардорлиги, қолаверса, саҳна ва нотиқлик маданияти борасидаги маҳоратини ҳам намойиш этишди.



Танлов қизиқарли савол-жавоблар, ёшларнинг Конституция бўйича билимини синовдан ўтказишга қаратилган саҳна кўринишларига бой бўлди. Унда энг фаол ва билимдон иштирокчи сифатида ўзини кўрсата олган Нукус шаҳар 1-сонли касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Динмухаммед Ержанов танлов ғолиби бўлди.

– Бу танлов нафақат билимларимни синовдан ўтказиш, балки ҳуқуқий дунёқарашимни янада кенгайтиришга ёрдам берди, **– дейди Динмухаммед Ержанов.** *– Жараёнда мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳақидаги билимларни ўзлаштирдим, уларнинг ҳаётда қандай аҳамиятга эга эканини янада теранроқ тушуниб етдим. Саволлар нафақат қонунларни билишни, балки уларни ҳаётий мисолларда қўллашни талаб қилди.*

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Кўрик-танловнинг Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот ва технологиялари университети Урганч филиалида ўтказилган вилоят босқичи иштирокчиларнинг фаоллиги ва рақобати асосида қизғин кечди.

– Танлов шартларини адолатли ва холис баҳолаш, ғолибларни аниқлаш биз учун жуда масъулиятли жараён бўлди, **– дейди ҳакамлар ҳайъати раиси Равшанбек Жуманиязов.** *– Ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳуқуқий билимини, фикрлаш қобилиятини, қонунларни амалий ҳаётда қўллашдаги имкониятларини намойиш қилди. Бир-биридан зукко ва билимдон ёшлар ғолиблик учун курашар экан, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидорига қойил қолдик.*

Якунда биринчи ўринни Урганч туман юридик техникуми талабаси Нозима Жуманиязова қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринга Янгибозор туман 2-сон касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Гулшода Рўзметова ва учинчи ўринга Янгиариқ туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Беҳруз Ражаббоев лойиқ деб топилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё академик лицейида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, улар орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантириш, партиянинг дастурий мақсад-вазифаларининг мазмун-моҳиятига ёшларнинг эътиборини кенг жалб қилишга алоҳида урғу берилди.

– Очиғини айтсам, танлов бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўра юқори савияда ўтмоқда, **– дейди партиянинг вилоят кенгаши бош мутахассиси Дилрабо Чориева.** *– Йиллар давомида кўплаб ёшларни баҳолаганман, аммо бу йилги иштирокчиларнинг ҳуқуқий билим даражаси ва ижодий фикрлаш қобилиятидан жуда мамнун бўлдим. Вилоят босқичига келган ёшлар нафақат Конституциянинг моддаларини ёддан билишади, балки унинг моҳиятини тушуниб, ҳаётий мисолларда қўллай олишади. Бу жуда муҳим жиҳат.*

Қизғин баҳс сўнггида 3-ўринни Ғузор туман 1-ихтисослаштирилган мактаби 11-синф ўқувчиси Сарвар Муродов, 2-ўринни Қарши юридик техникуми ўқувчиси Нодира Йўлдошева эгалладилар. Энг юқори баллни Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё академик лицей ўқувчиси Мафтуна Юсупова қўлга киритди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термиз шаҳридаги вилоят Касаба уюшмалари қўмитаси мажлислар залида ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари ўртасида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловни партиянинг вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳамраев очиб, низом шартлари билан иштирокчиларни яна бир бор таништирди ҳамда жараён давомида асосий эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида йиғилганларга маълумот берди.

Кўрик-танловнинг туман, шаҳар босқичида ғолиб бўлганлар таништирув, сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги билимлар, “Партия менинг тасаввуримда” каби шартлар бўйича ўз билим ва қобилиятларини синаб кўришди. Қизғин ва кўтаринки руҳда ўтган беллашувлар якунида ғолибликни Термиз шаҳар юридик техникуми 2-босқич талабаси Адолат Исмоилова қўлга киритиб, республика босқичида қатнашиш учун йўлланма олди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Биринчи шартда иштирокчилар ўзлари таълим олаётган муассаса ҳамда у ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилик бўйича олган билимлари юзасидан "Конституция – менинг тақдиримда" мавзусидаги тақдимоти билан ўзларини таништиришди.

Иккинчи шартда эса талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари, "Адолат" СДП Устави ва Сайловолди дастурига оид саволларга жавоб беришди.

– Иштирокчилар Бош қомусимиз мазмун-моҳияти, таълим ва ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонунлар, сиёсий партиялар Сайловолди дастуридаги муҳим вазифалар бўйича билимларини намойиш қилишди, **– дейди партиянинг вилоят кенгаши раиси Ҳиммат Оқбўтаев.** *– “Конституция билимдони” каби танловлар ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим ўрин тутади.*

Ҳакамлар ҳайъати хулосаси билан Самарқанд шаҳридан Жонибек Асроров биринчи ўринни эгаллаб, республикада Самарқанд шаънини ҳимоя қиладиган бўлди. Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши томонидан ғолибларга Хоразм вилоятига уч кунлик саёҳат йўлланмаси тақдим этилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

“Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши томонидан Бухоро вилоят юридик техникумининг фаоллар залида партиянинг “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда



вилоятнинг шаҳар ва туман босқичларида биринчиликни қўлга киритган ёшлари беллашди.

– Беллашув ҳақиқий билим майдонига айланди, **– дейди Бухоро шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби ўқитувчиси, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Нилуфар Остонова.** *– Иштирокчиларнинг ҳуқуқий билимлари, уларнинг қонунларга доир тушунчалари мени жуда қувонтирди. Бу йил ёшлар нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа муҳим қонун ҳужжатларини билиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини чуқур таҳлил қилиб бердилар. Бундай танловлар ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим платформа ҳисобланади.*

Якуний натижага кўра, 3-ўринни Жондор туман 21-мактаб ўқувчиси Лазиза Бобоқулова ҳамда Когон шаҳар 9-мактаб ўқувчиси Марзиябону Бахриддинова, 2-ўринни Бухоро вилоят юридик техникум ўқувчиси Асилбек Очилов эгаллади. Энг юқори баллни Когон туман 18-мактаб ўқувчиси Нигина Зарипова қўлга киритган ҳолда республика босқичига йўлланма олди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон давлат университетида ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар танлов Низомига мувофиқ, учта шарт бўйича беллашдилар. Дастлаб иштирокчилар ўзларини таништирдилар. Саволларга жавоб бериш орқали Конституциямизни қанчалик билишларини синовдан ўтказдилар. Эркин мавзу шарти ҳам Бош қомусимизга боғланди. Ўқувчиларнинг саҳна кўринишлари орқали чиқишида Конституциямизга бўлган муносабат ҳамда “Адолат” СДПнинг ғоялари ўз ифодасини топди.

– Бундай танловлар ёшлар орасида қонун устуворлигига ишончни оширади, **– дейди “Адолат” СДП Андижон вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Қосимжон Қаюмов.** *– Қонунларни билган, уларни ҳурмат қилган инсон адолатли жамият қуришга фаол ҳисса қўшади. Шунингдек, ёшлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англаб етишади, бу эса жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.*

Кўрик-танлов якунларига кўра Андижон машинасозлик институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Миржалол Қосимов ғолиб деб топилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Кўрик-танловда “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси сифатида демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳолининг эркин ва обод турмушини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш ҳамда барча соҳаларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани хусусида сўз юритди.

Конституция ва партиянинг ҳаётий дастури юзасидан иштирокчиларнинг билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилди. Кўрик-танлов иштирокчиларининг билимларини Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Элёрбек Омонов, Фарғона туманлараро суди судьяси Саидахон Маҳмудова, Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлими катта инспектори Жасурбек Ҳамдамов ҳамда “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Орифжон Ўлмасов баҳолаб бордилар.

Танлов қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Ҳакамларнинг якуний хулосасига кўра, учинчи ўрин олтиариқлик Бахтигул Султонова ва Фарғона тумани вакили Муҳаммад Алижоновларга, иккинчи ўрин Фарғона шаҳри вакили Умиджон Мақсудовга, 1-ўрин эса қувасойлик Жамшидбек Абдуолимовга насиб этди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманганда “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи Наманган шаҳридаги юридик техникумда кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Қизиқарли кечган вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичларида биринчиликни қўлга киритган ёшлар ўзаро куч синашдилар. Ҳакамлар ҳайъати хулосаси билан 1-ўринни Наманган вилояти юридик техникуми талабаси Муаззам Ваҳоббоева эгаллади.

– “Конституция билимдони” танловининг бу йилги вилоят босқичи жараёнлари рақобатдошларнинг кучли экани билан ажралиб турди, **– дейди "Адолат" СДП вилоят кенгашининг раис ўринбосари Ёркиной Ҳожиматова.** *– Ёшларимиз ўз билимларини жиддий синовдан ўтказдилар. Ана шундай фаол иштирокчилардан бири Наманган вилояти юридик техникуми ўқувчиси Муаззам Ваҳоббоева вилоят босқичига пухта тайёргарлик кўргани танловнинг биринчи шартини бажараётгандаёқ сезилди. Буни ҳайъат аъзолари ҳам, томошабинлар ҳам дарров пайқадилар. Юридик техникум талабаси Муаззам республика босқичида ҳам фахрли ўринни эгаллашига ишонаман.*

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ўқувчилар иштирок этишди. Унда ўз тумани шаънини ҳимоя қилган 11 нафар иштирокчи ўзаро беллашдилар. Навоий юридик техникуми катта ўқитувчилари ва партия масъулларидан иборат ҳакамлар ҳайъати эса уларни баҳолаб боришди.

– Ушбу танловни “Адолат” партияси том маънода ўз брендига айлантириб олди, десак муболаға бўлмайди, **– дейди Навоий юридик техникуми директори ўринбосари Дилшод Муртозоев.** *– Тадбирнинг вилоят босқичи тўрт йилдан буён бизнинг юридик техникумимизда ташкил этилиб келинмоқда. Бу эса вилоят миқёсида ҳуқуқ билимдонларини саралаш ва уларни рағбатлантиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, партиянинг жамиятдаги нуфузи ортиши билан бирга партия дастурий мақсад вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилишида ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.*

Қизғин кечган баҳс якунига кўра 1-ўринни Навоий юридик техникуми талабаси Гулзода Раҳмонқулова эгаллаб, танловнинг республика босқичида вилоят номидан иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

“Адолат” СДП ўз олдига ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, нутқ маданиятини ўстириш, фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришни мақсад қилиб қўйган. Бош қомусимизнинг 32 йиллиги муносабати билан «Адолат» СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилишида ҳам айнан шулар мақсад қилинган.

Жиззах шаҳридаги Сайилжой академик лицейида бўлиб ўтган мазкур танловда партиянинг вилоят кенгаши ходимлари, Халқ депутатлари Жиззах вилоят ҳамда шаҳар кенгаши депутатлари, партиянинг “Ёшлар қаноти” фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, ўқитувчилар, талабалар, ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Танловни партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари П.Ҳамзаев очиб берар экан, Конституция юртимизда олий мақомдаги қонун сифатида давлат қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилиши, бошқарувнинг демократик принциплари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши ҳамда маънавий қадриятларимиз асослари мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтди.

Танловда ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир шарт бўйича иштирокчилар адолат мезонлари асосида баҳолаб борилди. Якуний ҳисоб-китобларга кўра, танловда Зомин туман босқичи ғолиби Маржона Маликова 3-ўринни, Жиззах шаҳар босқичи ғолиби Лайло Қўчқорова 2-ўринни, Дўстлик туман босқичи ғолиби Ҳулкарой Ҳасанова эса фахрли 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

– Мен кўрик-танловга тайёргарлик кўриш жараёнида Конституциямизни, “Адолат” социал-демократик партияси Низом ва дастурларини ўқиб-ўрганишга, яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилдим, **– дейди “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби Ҳулкарой Ҳасанова.** *– Шунингдек, “Конституция менинг тасаввуримда” мавзусига янгича ёндашишга тўғри келди. Бу каби тадбирлар биз ёшларнинг ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлашимизга ва келажакда ўз олдимизга қўйган зарурий мақсадларни амалга оширишда ўзига хос пойдевор вазифасини ўтайди.*

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Мамлакатимиз бўйлаб ёшлар орасида ҳуқуқий билимларни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва ёшларнинг қонунларга ҳурматини ошириш мақсадида “Адолат” СДП ташаббуси билан “Конституция билимдони” кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Шу доирада Тошкент шаҳрининг барча туманларида танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Мазкур босқичларда ғолиб чиққан ёшлар Тошкент шаҳар босқичида ўзаро беллашишди.

Танлов якунларига кўра, 1-ўрин 192-сонли умумтаълим мактаби 11-“А” синф ўқувчиси Камила Абдуллаевага, 2-ўрин Иқтисодиёт лицейи 2-курс талабаси Абдужалил Алишеровга, 3-ўрин Сергели тумани Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, “Ҳамширалик иши” йўналиши 2-курс талабаси Лола Тошкентбоевага насиб қилди.

Шунингдек, танловнинг ҳудудий босқичлари Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам уюшқоқликда ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу кўрик-танлов ёшларнинг ҳуқуқий билимларни оширади. Танлов жараёнида иштирокчилар Конституция ва миллий қонунчилик бўйича билимларини чуқурлаштиради. Амалий кўникмаларни шакллантиришда, ёшлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунларни тўғри талқин қилиш ва уларни кундалик ҳаётда қўллашни ўрганади. Лидерлик қобилиятларини ривожлантиради. “Адолат” СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишга қаратилган “Конституция билимдони” кўрик танловининг якуний – республика босқичи 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.



ФАОЛИЯТ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Иштирокчилар бу ташаббус жамиятнинг кенг қатламлари томонидан ижобий қарши олинганини таъкидладилар. Партия вакилларининг фикрича, халқимизнинг маданий ҳордиқ олиши учун хизмат қилувчи хиёбонлар ва истироҳат боғлари умумхалқ аҳамиятига эга масканлар сифатида авлоддан авлодга бус-бутун ҳолда етказилиши керак ва уларни хусусийлаштиришга йўл қўймаслик лозим.

Йиғилиш давомида партиянинг бошқа ташаббуслари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, дорилар устидан назоратни кучайтириш, нархларнинг сунъий ошишининг олдини олиш, рецептсиз дорилар рўйхатини қисқартириш каби масалалар Давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватлангани таъкидланди. Бу йўналишда ҳам партия соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг дори-дармонлар нархи ва сифатидан қониқишини таъминлаш учун аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Жараёнда Давлат раҳбарининг маърузаларидан келиб чиқиб, партия тизимидаги ишларни янада натижадор ва самарали қилиш учун ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Партия раҳбарияти давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва сайловчиларнинг ишончини оқлаш энг устувор вазифа эканлигини таъкидлади. Шу мақсадда, партия аъзоларининг масъулиятини ошириш, уларнинг жамият олдидаги бурчларини сидқидилдан бажаришлари учун зарур шароитлар яратишга эътибор қаратилди.

Шунингдек, партиянинг келгуси фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, қонунчилик ташаббусларини тизимли амалга ошириш, парламент назоратини кучайтириш, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби йўналишларда аниқ кўрсатмалар берилди. Партия депутатлари Давлат раҳбари томонидан билдирилган ишончни оқлаш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар асосида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қўшма йиғилиш партия ва унинг фракцияси ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, келгусидаги фаолиятни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Партия аъзолари жамиятнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этиш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ташаббусларни илгари суриш орқали Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати

Семинар

Депутат халқнинг суянчи бўлиши даркор

“Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази билан ҳамкорликда “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишда партия гуруҳлари иштироки” мавзусида семинар ташкил этилди. Унда вилоят, шаҳар-туман кенгашлари раислари, мутахассислар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этдилар.



Йиғилишни очиб берган “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева янги сайланган партия депутатларини қутлади ва уларнинг машаққатли ва шарафли ишларида омад ёр бўлишини тилади.

– Депутат – халққа яқин, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс, **– деди Ш.Ғаниева.** *– Халқимизнинг сизларга билдирган юксак ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратингизни сарфлашингизга ишонамиз.*

Семинар давомида Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси А. Орипов, партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосарлари О. Ўлмасов, Б.Аҳмадалиев, халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати О.Дадажоновалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишда партия гуруҳлари иштироки, партия фаолиятининг ҳуқуқий асослари, меъёрий ҳужжатларни юритиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан зарур маълумот ва тавсияларни бериб ўтдилар.

Қизғин баҳс-мунозаралар давомида халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллигини нишонлаймиз. Конституция ва унинг асосидаги қонун устуворлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони. Сўнгги йилларда барча ислоҳотлар айни шу тамойил асосида амалга оширилмоқда. Айниқса, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ



Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, социология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлмиш парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан қабул қилинганини биламиз. Бундан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз Асосий қонунининг янги таҳрири бевосита умумхалқ референдумида – тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Шу маънода янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзидир. Фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эса ислоҳотларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Конституция 7-моддаси биринчи бандида **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи”,** деган норма белгилаб қўйилган. Бу норма тимсолида Ўзбекистон Республикасида жаҳон миқёсида умумэътироф этилган халқ ҳокимиятчилиги принципи, яъни халқ суверенитетнинг ташувчиси ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканини англатувчи тамойил мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистон – инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлиши, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши, “одамлар ташвиши билан яшаш”, барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Демак, Конституциямизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги белгиланган экан, ана шу қоидадан келиб чиқиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттириляпти. Хусусан, 27 октябрь куни мамлакатимизда янги таҳрирдаги Конституцияда белгилаб берилган қоидалар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Бу сафарги сайловлар мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда, парламент ва маҳаллий кенгашларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтказилгани мамлакатимизнинг халқаро имижига кучли ижобий таъсир қилган муҳим воқелик бўлди.

Бу галги сайловларда энг кўзга кўринган ўзгаришлардан бири бу аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши белгиланган бўлди. Олдин аёл номзодлар учун гендер квотаси 30 фоиз эди. Сайлов кодексининг 70- ва 91-моддаларида ушбу ўзгаришларнинг акс этиши сайловда аёлларнинг кенг иштирокини таъминлади. Натижада хотин-қизлар Қонунчилик палатасидаги 150 ўриндан 47 тасини эгаллади, бу умумий номзодларнинг 45 фоизини ташкил этади. Мазкур ижобий ўзгариш хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётига қўшаётган ҳиссаси ортиб бораётгани, гендер тенгликка риоя қилинаётганидан далолат.

Бу галги сайловнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда 2023 йил умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, аҳолининг айрим гуруҳлари учун сайлов ҳуқуқларини чеклаш бекор қилинди. Бу халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларга кўра сенаторлар сони 100 тадан 65 тага қисқартирилди ва ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг янги механизмлари жорий этилди.

Сайлов тизимини ислоҳ қилиш бўйича қонунчилик жараёни расмий равишда жамоатчилик маслаҳатини ўз ичига олган бўлиб, бу фуқароларга ўз таклифларини билдириш имконини берди.

МСК мунозаралар давомида Брайл алифбосидаги материаллар ва сурдо-таржимонлар мавжудлигини таъминлаш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштирокини яхшилаш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказди. Сайлов бюллетенлари ўзбек ва маҳаллий тилларда чоп этилди, бу эса сайлов жараёнининг барча аҳоли қатлами учун очиқ бўлишига хизмат қилди.

Бу йилги сайловда рақамли технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш, сайловчиларга, сайлов ташкилотчиларига қулайлик яратиш, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайловда иштирокини рақамли технологиялар кўмагида ташкил этиш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлиги билан бирга “E-Saylov” ахборот тизими ишга туширилди. Ушбу тизим сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни электрон шаклда амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтирди. Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари ва туман, шаҳар сайлов комиссиялари ўртасида бўладиган мулоқотлар, ҳужжатлар ва ахборот алмашинуви айнан “E-Saylov” ахборот тизими орқали амалга оширилди. Бу эса сайлов комиссиялари ўртасидаги ҳужжат алмашинувини тезлаштирди, ортиқча вақт йўқотилишининг олдини олди. Энг муҳими, мазкур тизим сайловчиларга қулайлик яратди. Улар “E-Saylov” тизими орқали ўз ҳудудидан кўрсатилаётган номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлди. Бу эса сайлов кунигача сайловчиларнинг номзодлар ҳақида аниқ бир тўхтамга келишига асос яратди.

Хориждаги ватандошларимизнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ҳам МСКнинг доимий эътиборидаги масала бўлди. Марказий сайлов комиссияси ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга масъул ҳисобланиб, чет элда ташкил этилган участкаларда ватандошларимизнинг пропорционал тизим орқали сиёсий партияларга овоз бериш имкониятини яратди. Зеро, сўнгги йилларда Ўзбекистон босиб ўтган чуқур ислоҳотлар йўли дунё миқёсида тан олинмоқда. Айни янгиланишлар сайлов ислоҳотларида ҳам яққол намоён бўляпти. Янги Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси ва такомиллашган Сайлов кодекси шундан даракдир.

Парламент сайлови ҳақида сўз борганда унинг олдингиларидан фарқланадиган баъзи томонларига эътибор қаратиш зарур. Айниқса, аралаш сайлов тизимига ўтиш – муҳим янгилик. Мазкур ўзгариш Конституция ҳамда Сайлов кодексидан эскирган қоидалар олиб ташланганини англатади. Сўнгги сайловгача юртимизда сайлов жараёнлари мажоритар тартибда ўтказилиб, Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу сайлов тизими асосида, яъни, ҳудудий бир мандатли округ бўйича сайланарди. Ўзбекистонда амалда бўлган даврдаги амалиёт ва умуман, хорижий давлатлар тажрибаси мажоритар сайлов тизимининг ижобий жиҳатлари билан бирга, бир қатор ўзига хос камчиликларини намоён этди. Амалда бўлган ушбу мажоритар сайлов тизимида сиёсий партиялар фаолиятини самарали ривожлантиришга, уларни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қудратли инструментига айлантиришга тўсқинлик қилувчи қатор концептуал муаммолар мавжуд эди. Аралаш сайлов тизими сиёсий партиялар рақобат кураши самарадорлигини оширади. Партияларо рақобат сиёсий тизимнинг соғлом ишлашини таъминлайди, аҳолини сиёсий фаол бўлишга ундайди ва бу билан жамият ривожига хизмат қилади. Сиёсий партияларнинг сайловчилар билан ишлашини самарали ташкил этишга хизмат қилади, улар олдидаги масъулият ва ҳисобдорлигини кучайтиради. Бу эса жойларда кенг омманинг, аҳолининг сиёсий партияларга бўлган ишончини оширади, сайловчиларни фаол бўлишга ундайди. Аралаш тизим туфайли қонунчилик фаолияти сифати яхшиланади, аҳолининг депутатларга қонунчиликни такомиллаштириш бўйича мурожаатлари сони ва айни пайтда депутатлар томонидан қонунчиликка тузатишлар киритиш бўйича фаоллиги ошади, қонун чиқарувчиларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни амалга ошириш юзасидан минтақаларнинг ижро этувчи ҳокимият раҳбарларига талабчанлиги ошади. Натижада халқнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши ортади. Бу профессонал парламент шаклланишига хизмат қилади.

Халқимиз сайловда ўзининг фаоллигини намойиш этди. Унда овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг 72 фоиздан ортиғи қатнашди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида сайловчиларнинг иштироки 30-40 фоизни ташкил этаётган бир пайтда мамлакатимизда халқнинг фаоллик кўрсатиши уларнинг мамлакат тақдири ва келажагига бефарқ эмаслигини кўрсатди. Буни халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда адолатли ва соғлом рақобатга асосланган сайловларнинг ташкил этилишида юртдошларимизнинг 2023 йил 30 апрель куни муҳим тарихий сиёсий жараён – янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказилган референдумда ўз келажаги, мамлакатимиз эртаси учун ижобий овоз бергани сабаб бўлди. Айнан шу куни тинчлик ва инсон қадрини чуқур англайдиган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини яна бир бор амалда тасдиқлади. Бу билан юртимизда демократлашув жараёни жадаллаштирилди, юртдошларимизнинг барча Конституциявий ҳуқуқлари кафолатланди.

Юртимиздаги инсон қадрини кўзлаган сиёсат натижасида Янги Ўзбекистонимизда парламентнинг ваколати кенгайди, айниқса, ҳукумат соати деган институтнинг пайдо бўлиши парламент, депутатларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ролининг ортиб боришига олиб келди. Ҳар ойда бир маротаба энг долзарб масалалар бўйича депутатлар, партиялар ва уларнинг фракцияларини қизиқтирган саволлар бўйича ҳукумат ҳисоботини эшитаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш, Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги Миллий маърузани кўриб чиқиш (78-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш” Президентнинг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, шунингдек, уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш (80-модда), Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари қонунчиликка оид таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида киритишга ҳақли каби ўзгартиш ва қўшимчаларнинг акс этгани Парламент ваколатларини кенгайтиришга, уларнинг масъулияти ошишига бевосита хизмат қилмоқда.

Парламент ваколатларини кенгайтириш орқали халқ ўзи сайлаган депутатлар орқали давлатни бошқаришда билвосита иштирок этади. Агар депутатларнинг ваколатлари имкониятлари кучайтирилса, вакиллик органининг мавқеи мустаҳкамланса, демак, халқнинг ҳам жамият ва давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятлари кўпаяверади. Шу сабабдан Конституцияга киритилган айнан мазкур ўзгаришлар жуда муҳим.

Дарҳақиқат, сўнгги беш-олти йил ичида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқларни, эришилган марраларни таҳлил қилар эканмиз, «Ўзбекистон Президенти танлаган янги сиёсий йўл ўзини оқлади”, деб ишонч билан айта оламиз. Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар ва сўнгра Тараққиёт стратегиялари демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлиснинг ролини янада кучайтириш борасида муҳим омил бўлди. Ушбу тарихий ҳужжат ўтган қисқа даврда халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент ва халқ депутатлари Кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тубдан ўзгартирди. Қонун ижодкорлиги фаолияти *“Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт”* деган устувор тамойилга асосланди. Бу эса Қонунчилик палатасини ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам “демократия мактаби”га айлантирди.

Янги таҳрирдаги Конституция асосида парламент ваколатларининг кенгайиши ҳокимиятнинг уч бўғини ўртасидаги мувозанатни сақлашга, ўзаро бир-бирини тийиб туришга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, қонунларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, бунда фуқароларнинг хоҳиш-истакларига қулоқ тутиш, аҳоли ўртасида очиқ муҳокамалар ўтказиш ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.


Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси депутати сўнгги кунларда ёнилғи қуйиш шохобчаларида пропан нархининг кескин ошиб кетганлиги ҳолати бўйича аҳолининг ҳақли эътирозлари ва муҳокамаларини инобатга олган ҳолда, масъул ташкилотларга депутатлик сўрови юборди.

Депутатлик сўрови юборилди...

Маълум бўлишича, пропан нархи охирги ойлар давомида икки баробарга қимматлашган бўлиб, бу ҳолат кўплаб истеъмолчилар учун иқтисодий-ижтимоий муаммолар келтириб чиқармоқда.

Мазкур ҳолат нафақат бозор механизмлари шаффофлигини таъминлаш зарурлигини кўрсатади, балки куз-қиш мавсумида ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши муносабати билан логистика жараёнларини янада самарали ташкил этиш, таннарх шакллантиришда шаффофликни таъминлаш ва бозорда ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш каби долзарб вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади.

Шу боис, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси томонидан Энергетика вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Бош прокуратурага пропан нархи ошиши сабабларини аниқлаш, аҳолига аниқ ва асосли жавоб бериш, нархларни барқарорлаштириш ҳамда бу борада таъсирчан чоралар кўриш юзасидан нуқтаи назарини баён этиш бўйича депутатлик сўровлари юборилди.


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING DEPUTATI

2024-yil 22-noyabr 20-03/2DP-sonli Toshkent sh.

O'zbekiston Respublikasi energetika vaziri J. Mirzamahmudovga

DEPUTAT SO'ROVI

Hurmatli Jo'rabek Tursunpulatovich,

So'nggi kunlarda yonilg'i-qoyish shoxobchalarida propan narxi keskin oshib ketganligi holati jamoatchilikning e'tirozlariga sabab bo'lmoqda. Ma'lumotlarga ko'ra, propan narxi oxirgi oylar davomida ikki barobarga qimmatlashgan. Bu esa nafaqat haydovchilar, balki aholining keng qatlamlari uchun moliyaviy yukni oshiryapti.

Kuz-qish mavsumida yonilg'i-energetika resurslariga ehtiyoj oshishi inobatga olinmaganligi, narxlarni shakllantirishda shaffoflikni ta'minlash va bozor ishtirokchilarining noqonuniy harakatlariga nisbatan jazo choralarini samarali qo'llash ishlari sohaga mas'ul bo'lgan davlat organlari tomonidan yetarli ravishda olib borilmaganligini ko'rsatmoqda.

Bunday holat quyidagi savollarni yuzaga keltirmoqda:


1. Nima sabablan kuz-qish mavsumida gaz quyish shoxobchalarida propan narxini keskin oshib ketishiga nisbatan tezkor choralar ko'rilmadi? Qachon narxlarni barqarorlashtirish bo'yicha ishlar amalga oshiriladi?

2. Narxni shakllantirish jarayonida shaffoflikni ta'minlash va sun'iy taqchillikka yo'l qo'ymaslik uchun qanday nazorat tizimi ishlab chiqilgan? Nima sababdan bu tizim ishlamayapti?

3. Gaz quyish shoxobchalarida yonilg'i-energetika resurslari narxlarini shakllantishi haqida aholini keng xabardor qilish, bu boradagi axborotni, tushuntirish ishlarini ochiq manbalarda muntazam e'lon qilib borish bo'yicha qanday chorslar ko'rilmoqda?

Yuqoridagilardan kelib chiqib, "Parlament nazorati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 15-moddasiga muvofiq, Sizdan keltirib o'tilgan savollar yuzasidan asoslantirilgan tushuntirish berishingizni hamda o'z nuqtai nazaringizni bayon etishingizni so'raymiz.

Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati, "Adolat" SDP fraksiyasi a'zosi M. Valiyev


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING DEPUTATI

2024-yil 22-noyabr 20-03/2DP-sonli Toshkent sh.

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori N. Yo'ldoshevga

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING DEPUTATI

2024-yil 22-noyabr 20-03/1DP-sonli Toshkent sh.

O'zbekiston Respublikasi raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi raisi H. Turaxujayevga

DEPUTAT SO'ROVI

Hurmatli Halilillo Sobirjonovich,

Акс-садоси эшитилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси депутати сўнгги кунларда ёнилғи қуйиш шохобчаларида пропан нархининг кескин ошиб кетганлиги ҳолати бўйича аҳолининг ҳақли эътирозлари ва муҳокамаларини инобатга олган ҳолда, масъул ташкилотларга депутатлик сўрови юборган эди.

Ҳозирда депутатимиз сўрови оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Интернет фойдаланувчилари депутатимиз ташаббусини қўллаб-қувватлаш баробарида, ушбу масалага масъуллардан муносабат билдиришларини сўрашмоқда.

Масалан “Deputatlar nima deydi?” телеграм-каналидаги қуйидаги пост ҳам мавзуга эътиборни янада оширди:

Фарғона вилоятидан Қонунчилик палатасига сайланган депутат Муҳаммаджон Валиев сайловчиларининг мурожаатларини кўриб, вазиятни ўз назоратига олди. Депутат Валиев пропан нархининг бу даражада кўтарилиши сабаби ҳамда масъул шахслар ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан тегишли ташкилотларга депутат сўрови юборибди.

Бу яхши сигнал. Фаолият бошлаганига энди 1 ҳафта бўлган парламент ўз сайловчиларининг овозини эшитяпти, ҳаракат қиляпти, керак бўлса натижа учун мутасаддиларга тинчлик бермаслиги керак...

“Адолат” СДП учун ижтимоий адолат тамойилларига зид ҳолатларни бартараф этиш ҳамда аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифадир.

Шу нуқтаи назардан, депутатимиз мутасаддилар олдига қатъий саволлар қўйиб, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга интилмоқда. Бу каби қадамлар нархларнинг ўсиши туфайли зарар кўрган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

Таклифимиз амалда

Ижтимоий объектларни бегоналаштиришга йўл қўйилмайди!

Маълумки, "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида истироҳат боғлари, сайилгоҳларни хусусийлаштиришни тақиқлаш ва бунинг учун жавобгарликни белгилаш таклифини илгари сурган эди.

Партия ўрганишларига кўра, ҳозирги кунда республикадаги 184 та истироҳат боғларида дарахтзор ҳудудлар камайтирилиб, 944 та бино-иншоот қурилган. 18 та истироҳат боғида 91 та ноқонуний қурилма мавжуд эканлиги аниқланган. Уларнинг 98 тасида 1 248 та аттракцион ноқонуний ўрнатилган.

Партия Сайловолди дастурида белгиланган мазкур мақсадларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан "Адолат" СДП ва Экологик партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари томонидан аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Жорий йилнинг 18 ноябрь куни ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги таркибдаги биринчи мажлисида Президентимиз сайлов компанияси давомида партиялар томонидан илгари сурилган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган таклифларнинг амалга оширилиши муҳим эканлигини таъкидлаганди. Шу жумладан, “Адолат” социал-демократик партиясининг истироҳат боғлари, сайилгоҳ ва хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш, дорилар устидан назоратни кучайтириш, сунъий нарх ошишининг олдини олиш ва рецептсиз бериладиган дорилар рўйхатини қисқартириш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватланган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланса, янги парламент томонидан қабул қилинган биринчи қонун бўлади.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



“КИ, ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГДЕК...”

Ҳазрат Навоий ижодида Мирзо Улуғбек васфи

Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллиги

Туркий мумтоз шеърият тараққиётини мислсиз юксакликка олиб чиққан, миллий бадиий-эстетик тафаккурни жаҳоний миқёсга кўтарган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларида Темурийлар даври адабиёти ҳақида нодир маълумотлар берилган. Жумладан, улуғ адиб Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394–1449) ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда математика, астрономия, тарих каби фанлар қаторида адабиёт ва адабиётшунослик ҳам тараққий этгани ҳақида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган.



Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Алишер Навоий ва темурийлар даври адабиёти мавзусида бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса ҳам, ушбу илмий муаммо шу пайтга қадар тўлақонли ёритилган эмас. Буюк мутафаккирнинг “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида ва бошқа асарларида, айниқса, Мирзо Улуғбек ва унинг даври адабиётига доир қимматли маълумотлар учрайди. Бу маълумотларни тизимга солиб, илмий тадқиқ қилиш навоийшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларидаги ушбу мавзуга доир фикрлар ва талқинларни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

1) улуғ шоир асарларида Мирзо Улуғбек васфи;

2) унинг замонида юзага келган адабий муҳит ва ушбу муҳит намояндалари ижодига муносабат;

3) бу ҳукмдор даврида адабий-эстетик тафаккур ривожи.

Ушбу мавзунинг тадқиқи Алишер Навоий илмий-ижодий қарашларини ўрганиш баробарида Мирзо Улуғбек даври адабиёти ҳамда унинг замонида адабий-эстетик тафаккур ривожига доир янги илмий хулосаларга келиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Мирзо Улуғбек васфи. Ҳазрат Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” хотимасида Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзога насиҳат сўзларини битар экан, унинг улуғ темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбекдан ўрнак олмоғини истаб, мана бундай ёзади:

Темурхон наслидин султон Улуғбек –
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод –
Ки, давр аҳли биридин айламас ёд.
Валек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи оллинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний –
Ки, андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматға дегинча аҳли айём,
Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком.

Олам Мирзо Улуғбекдай султонни кўрмагани ҳақида ёзар экан, улуғ шоир унинг “абнойи жинси” – тенгқурлари барчаси дунёдан ўтиб кетганини, давр аҳли улардан бирортасини ҳам ёд этмаслигини уқтиради. Тенгдошларидан фарқли равишда илмга даст топгани боис Улуғбекнинг кўзи олдида осмон паст бўлди. У қурдирган расадхона “зеби жаҳон”, яъни жаҳонга зийнатдир. Ҳатто уни жаҳон ичра яна бир осмон дейиш мумкин. “Зижи жадиди Кўрагоний”си унинг осмоний илмларни нечоғлиқ юксак даражада билишига далилдир. Бу асарнинг аҳамияти шу қадар баландки, қиёматгача астрономия илми билан шуғулланувчилар унинг илмий ҳукмларига таянадилар. “Билик гарчи кўрунур кўзга зийнат, Вале шаҳларға бордур ўзга зийнат” деб ҳисоблаган ҳазрат Навоий бу сўзлари орқали фақат Шоҳ Ғариб Мирзогагина эмас, барча замонлардаги ҳукмдорлар ва уларнинг авлодларига билимли бўлиш зарратини таъкидлайди. Улуғ шоир фикрича, бир билим билан қаноат қилмаслик, барча илмларни эгалламоқ керак:

Вагар илм ичра бўлмай бирга қонеъ,
Баридин баҳравар бўлсанг не монеъ.

Мирзо Улуғбек қомусий билимлар эгаси экани билан ҳам ҳаммага ўрнакдир. Ҳазрат Алишер Навоий “Мажолису-н-нафоис”да таъкидлашича: “Камолоти бағоят кўп... Қуръони мажид етти қироат била ёдида” бўлган, “ҳайъат ва риёзийни хўб билган, зиж битиган, расад боғлаган” Мирзо Улуғбекдаги “бу камолот гоҳи назмға майл қилур”. Яъни, у шеърлар ҳам ижод этган. Тазкирада унинг ижод намунаси сифатида қуйидаги байт матни келтирилади:

Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,
Шўхи макунки, чашми бадон дар камини туст.

Мазмуни:

Гўзаллик мулки қанчалик қўл остингда бўлса-да,

Шўхлик қилмагинки, ёмонларнинг кўзи сени кузатмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек табъидаги назмга бўлган майл унинг фарзандларига ҳам ўтган. Жумладан, гарчи “Мажолису-н-нафоис”да улуғ султоннинг учинчи ўғли Абдуллатиф Мирзонинг “савдойи мизож, васвасий табъ ва девонаосор киши” бўлгани, “бундан бошқа бадфеъллиқлари бор”лиги, “ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтургани” айтилиши баробарида “табъи назми бор эрди ва шеърни ободон айтур эрди”, дея таъкидлайди. Қуйидаги матлаъ бунга мисол сифатида келтирилади:

Бар дилу жон сад бало аз як назар овард чашм,
Чун бигуям шукри ин, ё Раб, набинад дард чашм.

Мазмуни:

Кўз бир қараш билан дил ва жонга юз бало келтирди.

Бунинг шукрини нечук қилай, ё Раб, ул кўз дард кўрмагай!

Мирзо Улуғбек васфи ҳазрат Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони хотимасида ҳамда “Мажолису-н-нафоис”да келтирилган, холос. Унинг авлодларидан фақат Абдуллатиф Мирзо характери ва табъи назми бўлиб, “шеърни ободон айтган”и ҳақида маълумот берилган. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф Мирзонинг шеърий асарларини топиш ва тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган вазифадир.

Эътибор

ПАРТИЯДОШИМИЗ танлов совриндори бўлди

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини оширишда ижтимоий ташаббусларнинг аҳамияти беқиёс. Шу мақсадда ҳар йили Олий Мажлис Сенати томонидан “Энг яхши ижтимоий ташаббус” республика кўрик-танлови ўтказиб келинади.



Яқинда ушбу танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан амалга оширилган энг намунавий ижтимоий ташаббуслар сарҳисоб қилинди.

Танловнинг асосий мақсади — жамият ривожи йўлида ўз ҳиссасини қўшиш истагида бўлган фаол фуқаролар ва ташкилотларни рағбатлантириш, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ижтимоий ташаббусларни амалга ошириш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат.

Маросимда республика босқичига 12 та ҳудуддан сараланган 50 нафар иштирокчи ўртасида беллашув ўтказилди. Ғолибларни танлаш жараёни қизғин муҳокамалар асосида ўтди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, танловнинг **“Энг яхши ижтимоий ташаббускор тадбиркорлик субъекти” йўналишида “Адолат” СДП аъзоси Абдурауф Аҳмедов 2-ўринни қўлга киритди.** Партиядошимиз “Ахмедов Автогаз Сервис” МЧЖ раҳбари сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Эзгу ишларининг эътирофи билан партиядошимизни самимий муборакбод этамиз ва келгуси фаолиятида янги зафарлар тилаймиз!



“Бор меҳримиз сенга, болажон!” донорлик акциясига марҳамат!

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида ўтказиладиган беғараз донорлик акциясига барча кўнгиллиларни таклиф қиламиз!

Акция 3 декабрь куни соат 9:00 дан – 16:00 гача Республика қон қуйиш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида ўтказилади.

Азиз юртдошлар, бемор болажонлар ҳаётини асраб қолишга ўз ҳиссангизни қўшинг!

Қўшимча маълумотлар учун:

www.adolat.uz сайти

Тел: +99871 288 46 54 (117),
+99890 353 84 25,
+99899 051 01 80

Дунё, дунё...

Битта банан... 6 МИЛЛИОН 200 МИНГ ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ

Нью-Йоркдаги Sotheby's кимошди савдо уйида деворга скотч билан ёпиштирилган банан 6,2 миллион долларга сотилди. Лотнинг бошланғич баҳоси 1 миллион доллар этиб белгиланганди. Бу ҳақда “The New York Times” нашри хабар беради.

Савдо беш дақиқа давом этган, холос.


Бу ажабтовур санъат асарини хитой коллекционери, TRON криптоплатформаси асосчиси Жастин Сан сотиб олди.


Италиялик рассом Маурицио Каттеланинг “Комедиант” деб номланган бу асари 2019 йили Art Basel Miami Beach кўргазмасида маданий ҳодиса сифатида эътироф этилганди. Ўшанда кўргазмага келган томошабинлар оқ деворга скотч билан ёпиштириб қўйилган банан нимани билдиришини англашга уринишганди. Кимлардир бу ишни ҳазил деб қабул қилди, бошқалар эса замонавий санъатнинг шубҳали меъёрларига нисбатан дадил шарҳ сифатида қабул қилишди. Ўшанда мусаввирлардан бири бананни девордан юлиб олган ва... еб қўйганди.



2023 йили Сеулдаги Санъат саройида ўтказилган кўргазмада ҳам шундай йўл тутишган, яъни бананни еб қўя қолишган эди.

Бу сафар ҳам 6 миллион 200 минг долларга сотиб олинган “дурдона”нинг эгаси бананни ейишини билдирган. Ахир, акс ҳолда, мева жойида чириб кетади-да.





Дарвоқе, дунёда бунақанги нархи осмону фалак бўлган ғалати санъат асарлари кўплаб учраб туради. Энди эътиборингизни бошқа расмга қаратинг. Ҳа, томошабин Казимир Малевичнинг маълум ва машҳур “Қора квадрат” (1915 йил яратилган) шоҳ асарини томоша қилмоқда.

Яна ўша Sotheby's кимошди савдо уйи берган маълумотга кўра, мазкур асар 2024 йилнинг 26 февралида 20 миллион долларга баҳоланган...

Диққат: огоҳ бўлинг!

Инсон қалби энг ноёб, мураккаб ва нозик олам. Боиси ундаги ҳис-туйғулар гулзордек ранг-баранг, кечинмалар дарёдек шиддатли, беқарор. Демак, қалбнинг ҳассос қирраларини англаш, унда содир бўлган ёки бўлаётган ҳис-туйғуларни ўрганиб, бартараф этиш ҳар қайси психологдан пухта касбий тайёргарлик ва чуқур ҳиссий англашни талаб қилади. Лекин бугун аксар ҳолларда ушбу нозик масала тамомила ёт ўзанга тушиб, акс талқин қилинаяпти. Илмий асос ва зарур кўрсатмалар писанд этилмасдан, оддий алгоритмлар билан иш кўрувчи “психологлар” урчиган. Ҳа, сўнгги пайтларда “Инсон руҳиятидан яхши хабардорман, муаммоларни ҳал қилиш менга чикора”, дея саёз фикрлаётганлардан аччиғинг келса, уларнинг қармоғига оппа-осонгина илиниб, ёппасига мазахўрак бўлаётган сон-саноқсиз одамларни кўриб, чуқур ўйга толасан, киши.

Хўш, жамиятда инсон психологияси билан боғлиқ ҳолатлар нотўғри талқин қилинаётганига сабаб нима?
Нега айни тоифа бизнинг қўққисдан бахтиёр, шоду хуррам ва муаммоларсиз ҳаётда яшашимизни истаб қолдийкан?
Қуйидаги мақолада шу хусусда фикр юритамиз.



“ИСТАЛГАН МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИБ ТАШЛАЙМИЗ! ПУЛИНИ ТЎЛАСАНГИЗ БАС!..”

Илҳом АБДУҚАЮМ ўғли,
журналист

ТАЛАБ БОРКИ, ТАКЛИФ БОР!

Бу бозор иқтисодиётининг асосий қонунларидан бири эканини яхши биласиз. Яна эслатиш зарар қилмас: бирор эҳтиёж юзага келса, уни қондиришга мойиллик пайдо бўлади. Аҳамиятлиси, турли соҳаларда ўз тасдиғини топган бу жумла айни мавзуга ҳам алоқадор. Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор беринг.

Ҳиндистоннинг “Sapien Labs” лабораторияси 2023 йил учун дунё давлатларида одамларнинг руҳий барқарорлигига асосланувчи таҳлилий тадқиқот натижаларини эълон қилди. Унда 71 мамлакатдан қарийб 420 минг киши иштирок этиб, аноним онлайн сўровга жавоб берган.

Баҳолаш 6 та асосий тоифада шахсий руҳий саломатлик коэффициентини (РСК) аниқлашга қаратилган: кайфият ва истиқбол, ижтимоий “мен”, мотивация ва ҳаракат, ақл ва тана алоқаси, идрок, мослашувчанлик ва чидамлилик. Ўзбекистон эса юқоридаги кўрсаткичлар бўйича 71 мамлакат ичида сўнгги ўринда, мослашувчанлик ва чидамлилик бўйича 67-ўринда, ҳаракат ва мотивация бўйича 61-ўринда қайд этилган”. (Kun.uz)

Тан олайлик: биргина одатий тонгимиз ҳам баъзан дилхираликбилан бошланади. Ишга-ўқишга кеч қоляпмиз, нонуштага вақт йўқ, йўлларда тирбандлик, ишимизда камчилик, алдаб кетишган, молиявий етишмовчилик... Давом эттирсак, талай важлар бор. Ҳақиқатан ҳам, бугун жамиятда руҳий барқарорликка интилиш кучайди.

ПАЙТИ КЕЛДИ!

Стресс, узлуксиз ташвишлар, ижтимоий босимлар – буларнинг барчаси инсонларни ўзига психологик ёрдам қидиришга ундайди. Бизда профессионал психологларга бўлган эҳтиёж юқори бўлишига қарамай, нарх борасида мурожаатчиларнинг катта қисми ортга тисарилади. Арзонроғига рози бўлиш учун олиб борилган қидирувлар эса бахтга қарши соҳада малакали мутахассислар сони талабни қондириш учун етарли эмаслиги ойдинлашади. Хўш, бунинг асосий сабаби нима?

– *Энг аввало, касбнинг қийин ва масъулиятли экани муаммони кучайтирмоқда,* – **дейди психолог Нозима Аҳмедова.** – *Чунки психология фақат руҳий муаммоларни тўғри тушуниш билан чекланмайди, балки уларни ҳал қилиш учун чуқур билим, индивидуал ёндашув ва касбий тажриба талаб этади. Афсуски, Ўзбекистонда психологик хизматларга ёрдам сифатида эмас, балки “юзаки маслаҳат” сифатида қараш ҳолатлари кўп. Бу вазият касб обрўсини тушириб, соҳани ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қиляпти.*

Психолог фикрича, шундай вазиятда юзага келган эҳтиёж сохта руҳшуносларучун имкониятлар эшигини очди. Дастлаб арзон таклиф, жимжимадор манипуляция, уюштирилган ҳамд-санолар ташланган қармоққа ўз руҳий ҳолатида барқарорликка эришишни мақсад қилган, аммо танловда янглишганини хаёлига ҳам келтирмаган минглаб инсонлар илинади. Натижага ўтишдан олдин уларнинг фаолият асосларини ўрганиб чиқайлик.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИШОНЧ ҚОЗОНИЛАДИ?

Қайд этилишича, сохта психологларнинг омма эътиборини қозонишдаги асосий қуроли – интернет ва ижтимоий тармоқлар. Улар учун виртуал макон рекламадан тортиб, таъсирчан воситаларни қўллаб, оммани ўзига жалб қилишнинг энг қулай майдонига айланган. Жонли эфирлар, жарангдор шиорлар, дабдабали ваъдаларга суяниб тайёрланган видеолавҳалар, ҳаттоки ҳар кимга мос тушадиган мавҳум маслаҳатлар орқали улар кенг аудиторияларда "муваффақият сирлари" устаси сифатида танилиши мумкин.

Одатда, ишонч қозониш учун бир нечта самарали, бироқ алдовга асосланган усуллардан фойдаланилади.

1. *Юзаки, жозибали мунозаралар. Муҳими, муаммоларни аниқ ва чуқур таҳлил қилиш эмас, балки аудиторияни қизиқтиришдир. Улар шахсий тажрибалардан илҳомланиб, "ҳар бир инсон ҳаётига мос" умумий маслаҳатлар билан чиқишади. Асосий эътибор жозибали сухандонлик ва ширин сўзлилик, бу эса уларга профессионал кўриниш бергандек туюлади. Бироқ бундай маслаҳатлар муаммони ҳал қилиш ўрнига, уни янада чуқурлаштириши мумкин.*

2. *Оммавий чиқишлар ва саҳналаштирилган “муваффақият”лар. Кенг аудитория олдидаги чиқишлар яна бир таъсирчан восита. Чиқишларда улар ўзларини “ўз муаммоларини енгиб ўтган”, “аҳмоқларга йўл кўрсатадиган” деб таништиришади. Чиройли суратлар, люкс ҳаёт тарзи, “ўз кучи билан эришган” муваффақиятлари ҳақида тўлиб-тошиб гапириш орқали одамларни ўзига жалб қилади. Асосий мақсад – инсонларнинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларни сўзсиз "устоз" сифатида кўришга мажбур қилишдир.*

3. *Ҳақиқий психологларни танқид қилиш. Энг хавфли тенденция ҳақиқий психологларнинг обрўсини туширишда намоён бўлади. Бунда “Назариядан чиқмайдиган, бирон муаммо ҳал қилолмайдиган” деган айбловлар билан профессионалларга қарши кураш олиб борилади. “Биз ҳаётдан гапирамиз, улар китобдан”, деган шиорлар орқали ўзларини одамлар учун яхшироқ танлов сифатида кўрсатишади.*

КЎРДИК, ЎРГАНДИК!

Ҳар қандай замоннинг “тарихий” тенденцияси борки, у одамларнинг руҳиятига таъсир қилиш орқали ўз йўлини топади. Бугунги куннинг ана шундай “тенденция”ларидан бири – сохта психологларнинг юзаки, умуман, манфаатсиз, савияси паст курслари сотувидаги “зарбдор” палладир.

Бугун уларнинг реклама олиб бориш услубларини кузатар экансиз, бир нарса ойдинлашади: қаҳрамонларимиз “таълим ва шахсий ривожланиш” ниқоби остида савдо-тижорат билан шуғулланяпти. Ижтимоий тармоқлардаги рекламаларнинг асосий қисми бундай "курслар"ни мақташ, сунъий мақтовлар ёғдириш ва одамларни ўзига жалб қилишдан иборат. Масалан:

– *“Тортиш қонуни” номли курс. Рекламада “Фақат бугун! Бугун эмас, ҳозир! Нархи 100 минг эмас, 80 минг сўм!” чақириғи. Одамларнинг қизиқувчанлигидан фойдаланган ҳолда “психология” ниқобида зўраки мотивация ва жиддий илмий асосга эга бўлмаган “ақл ўйинлари” таклиф қилинади.*

– *“21 кунда собиқ жазманини қайтариш” курси 160 минг сўмга таклиф қилинса, “Озиш учун мини курс” ҳам шу нархда. Ёки “Расмга тушишни ўргатиш” курслари 50 минг сўм. Реалликка таянилса, мазкур курсларнинг амалда қандай самара бериши бўйича ҳеч қандай кафолат йўқ.*

– *“Эрнинг… бўлиш” (ҳатто ёзгани уялади одам!) каби ўқотар номлар эса бефаросатлик ва шармсизликнинг яна бир ёрқин намунаси. Бундай курсларнинг мазмуни ёзилган нархидан ҳам арзон эканини тушуниш қийин эмас.*

Унутмайлик, пултопармонларнинг асосий мақсади – одамлар руҳиятидаги энг заиф нуқталарга таъсир қилиш. Ҳар бир инсоннинг орзу-умидлари, заиф томонлари улар учун “савдо объекти” бўлиб қоляпти. Айнан шунинг учун ҳам рекламада оғир иқтисодий шароит ва психологик жароҳатларга алоҳида аҳамият қаратилади.

Масала фақатгина оддий рекламада эмас, балки унинг ортида турган чуқур ижтимоий муаммоларда. Биринчидан, <u>аҳолининг катта қисми руҳий ва ижтимоий қийинчиликларини ҳал қилиш учун малакали мутахассисларга мурожаат қилиш имконига эга эмас</u>. Иккинчидан, <u>ҳақиқий психологик хизматлар ҳақида етарли маълумот йўқлиги сабабли, одамлар интернетдан топган биринчи “ёрдам”га мурожаат қилишади</u>.

ҚАРЗГА БОТДИМ, НАТИЖА ЭСА ЙЎҚ!

<u>Муниса:</u>

– Мен психологга боришдан уяламан, шунинг учун "онлайн курс"га ёзилдим. У ерда “Муваффақият калити” деган машҳур тренингга 800 минг сўм тўладим. Бир ой давомида уларнинг асосан "ўзингга ишон", "ҳар кунингдан завқлан" каби мотивацион сўзлардан иборат видеоларини кўрдим. Қўшимча савол бериш учун эса яна пул тўлаш керак экан. Натижада муаммоларим ҳал бўлмади, лекин қарзим кўпайди.

<u>Шохрух:</u>

– “11 кунда ҳаётингизни ўзгартиринг” деган курсни кўриб, қизиқиб кетдим. Нархи – 1 миллион сўм. У ерда улар ҳаётдаги мақсадларни аниқлашга ёрдам беради, деб ваъда беришган. Аммо менга берилган маслаҳатлар китоблардаги оддий маслаҳатлардан фарқ қилмади. Ҳатто улар менинг муаммоларимни диққат билан эшитишмади. Ўзимни алдов қурбонидек ҳис қилдим.

<u>Саида:</u>

– Жуда қийин ҳолатда қолгандим, ҳаётдан рози эмас эдим. “Стрессдан қутулиш сирлари” деган курсга ёзилдим. Ҳатто телефонда улар билан гаплашдим. Мендан 5 миллион сўм тўлашни талаб қилишди, шунда мутахассис билан шахсан гаплашиш имконияти бўлади, дейишди. Лекин уларнинг маслаҳатлари мен учун умуман янгилик эмас эди. Курс тугаганда ўзимни янада ялғиз ва ёрдамсиз ҳис қилдим.

<u>Анвар</u>:

– “Оилавий муаммоларни ҳал қилиш” учун курс олдим. Рекламада барча муаммоларингизни ҳал қилиб берамиз, деб ёзишганди. 2 миллион сўм сарфладим. Улар менга жамоавий гуруҳларда қатнашишни таклиф қилишди, лекин ўша жойда шахсий масалаларимга оид аниқ ечим ололмадим. Ҳозир ўйлайманки, бу пулни ҳақиқий мутахассисга сарфласам яхши бўларди.

– *Сўнгги пайтларда мавзу қаҳрамонларининг семинар тренинглари ижтимоий тармоқ тугул, реал ҳаётда энг кўп муҳокама қилинадиган, қизғин кутиб олинадиган резонанс сифатида баҳоланмоқда,* – **дейди журналист Шаҳризода Саидова.** – *Қаерга қараманг, ҳамма жойда “психолог”ларимизнинг “Пул оқими”, “Магнит аёл”, “Пул формуласи”, “Катта пуллар” каби ноодатий номлар остидаги рекламасига кўзингиз тушади. Бунақа жарангдор сарлавҳалар қулоққа жуда ёқимли эшитилади, албатта. Айниқса, содда инсонларни қармоққа илдиришда жуда қўл келади. Аслида эса… Дарҳақиқат, шу “соддалик”ни йиғиштириш вақти келмадимикан? Биз уларнинг биздан фойдаланишларига замин яратаверамизми? Шунчаки йўл очиб бераверамизми?*

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда сохта психологлар фаолиятини тартибга солувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилибди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматова хабар берган.

Депутат бир неча ойлик муттасил изланишлардан сўнг Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганини ва тез орада муҳокамага киритиш режалаштирилаётганини айтган. Шунингдек, қонун лойиҳасида акс эттирилаётган нормалар ва уларнинг мазмун-мақсадига кейинроқ тўхталиб ўтишини қўшимча қилган.

Тўғри, бу билан мамлакатда соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилиб, ҳуқуқий асос яратилади. Лекин яна бир-икки жиҳатни эътиборга олиш муҳимлигини қайд этиш жоиз.

Биринчиси – **СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШ. БИЛИШИМИЗЧА, ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА ҲАМ, ХУСУСИЙ ОЛИЙГОҲЛАРДА ҲАМ ПСИХОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КВОТАЛАРИ ЕТАРЛИ, ФАҚАТ УЛАРНИНГ ЎҚИШДАН КЕЙИНГИ ФАОЛИЯТИ НАМУНАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМАГАН. БУ ЭСА СОХТА ПСИХОЛОГЛАР КЎПАЙИШИГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА.**

Иккинчиси – **БУ СОҲА БИЛАН БОҒЛИҚ АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ КЕРАКЛИ ХОРИЖИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ ТАРЖИМА ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ.**

ХУЛОСА ЎРНИДА:

Жамиятга психолог керак эмас, дейиш фикридан мутлақо йироқмиз. Аммо бугун одамлар эҳтиёж сабаб қанчалар кучли манипуляцияга учраётганини тан олишимиз керак. Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган “мотивация сирлари” ва “бахт формулалари” жамиятга ўзига хос бир ҳавоийлик билан кириб келмоқда. Ҳар қандай мураккаб ҳаёт воқеаларига осон ва универсал ечимлар таклиф қилаётган “таълимотчилар”нинг даъволарини эшитган инсон, гўё дунёси ўзгариб кетадигандек, уларни қудратли психолог сифатида қабул қилади. Аммо натижа қани? Аслида одамлар шу сохта маслаҳатлардан фойда кўриш ўрнига, ўз муаммолари ботқоғига янада баттарроқ ботмоқдалар, холос.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Зуҳра ИБРАГИМОВА, Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
ISSN 2091-5217
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1100
Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.